



Савол:

Фирка бўлиш жоизми?

Жавоб:

Одамларнинг хакикий холиклари ва илохлари Оллох, динлари ислом, китоблари Куръон Карим, пайгамбарлари Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам ва киблалари Каъбатуллохдир. Бундан маълум бўлмоқдаки, ислом динининг асоси бирдамликдир. Бирдамлик асосларини эса инсон фикрлари билан куриш жаҳолатнинг айри бир кўринишидир. Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам киёмат кунига қадар хақиқат узра қоладиган бир гурухнинг исмини «голиб бўлувчи тоифа» ва «нажот топадиган фирка» деб номладилар. Бирок саволда баён қилинган «фирка» дан мақсад тарқоклик экани аниқ кўришиб турибди. Динда бир гурух бор. У ҳам бўлса «Ахлуссунна вал жамоа» (ахли суннат вал жамоат)дир. Бу гурухдан бошқа барча тоифалар қисман хақиқатга асослансаларда, бирок, маъно ва мохият нуқтаи назаридан ўз ичларида «ахлуссунна вал жамоа» га ёт бўлган фикр ва мақсадларни илгари сурадилар. Биз ўзимизнинг ушби саҳифамизда ёритиб боришга ҳаракат қилган мақсадларимизни ифодалаб берувчи бир қатор мақолаларни сиз мухтарам ўқувчи биродарларимизга ҳавола қилдик.

Ислом дини гурухбозликка қаршидир ва унинг барча кўринишларини тағ-томири билан йўқотиб ташлаш учун тавсиялар берган.